



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 май, № 97 (8992)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипрайсни қабул қилди.



ЕИ махсус вакили Еврокенгаш Президенти Антониу Кошта ва Еврокомиссия Президенти Урсула фон дер Лайеннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш доирасида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 12 миллиард евролик аниқ лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидоги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

НЕФТЬ-ГАЗ ТИЗИМИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон нефть ва газ» халқаро форуми доирасида Тошкент шаҳрида бўлиб турган Россиянинг «Газпром нефть» компанияси бошқаруви раиси Александр Дюковни қабул қилди.

Россиянинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги етакчи компанияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Нефть маҳсулотларини етказиб

бериш, қазиб олиниши қийин бўлган конларни ўзлаштириш ва соҳани рақамлаштириш борасидаги шерикликни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди.

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ Бўйича ТАКЛИФЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев сейсмик хавфсизликни кучайтириш чора-тадбирларига оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенг. 2017 йилдан бунён жойларда 11 минг 410 та кўп қаватли уй қурилган. Бу аҳолини тураржой билан етарлича таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қурилишнинг асосларидан бири бўлган сейсмология соҳаси ҳам ривожлантирилмоқда. Бу борада хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиб, инновацион технологияларни татбиқ этишга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз кўп жабҳаларда ташаббускор ҳамдир.

Маълумки, 1966 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида вайронкор zilзила содир бўлган. Ўзбекистон Президенти zilзила курбонларига ҳурмат кўрсатиш ва бу борада халқаро ҳамкорлик зарурлигини эслатиш мақсадида хотира ва бирдамлик кунини таъсис этиш

ташаббусини илгари сурган эди. Бунинг эътирофи ўлароқ яқинда БМТ Бош Ассамблеяси 29 апрелни Халқаро zilзила курбонларини хотирлаш куни, деб эълон қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди.

Бу соҳада халқаро стандартларга мос бўлиш учун давлатимиз раҳбари янги қурилаётган уйлarning сифатига эътиборни кучайтириш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ кўп қаватли уйлarning zilзилга бардошлилигини ошириш ва аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўриломоқда.

Жумладан, давлат лойиҳа институтлари мутахассислари иштирокида жойларда ўрганишлар ўтказилди. Ушбу ўрганиш натижалари ва ҳудудларнинг сейсмик ҳолати таҳлили асосида бу тизимни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

ЎзА.

ЙўЛ ХўЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев йўл хўжалигидаги ишлар натижадорлиги ва режадаги лойиҳалар бўйича тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ бу соҳада бошқарув такомиллаштирилиб, йўллар қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича кўп йиллик вазифалар белгиланган эди. Ўтган 2 йилда бу мақсадларга 26 триллион сўм ажратилиб, жами 40 минг километр йўл ва 540 та кўприк таъмирланди. Соҳага четдан жалб қилинаётган маблағлар ҳам уч қарра ошди.

Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бу йил 7 минг километр умумий фойдаланишдаги йўл ҳамда 231 та кўприкни қуриш ва таъмирлаш, 13 минг километр тўпроқ кўчаларга шағал ётқириш, 400 километр цемент қопламали йўллар қуриш, магистраллар бўйида 72 та сервис мажмуаси ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдиротда мутасаддилар шулар ҳақда ахборот берди.

Янги лойиҳаларни белгилашда йўлларнинг ҳозирги ҳолати ва қатнов даражасига эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда 1 минг 200 километр йўлни реконструкция қилиш бўйича 6 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Яна 4 та лойиҳа бошланиши кўзда тутилган. Хусусан, Тўртқўл ва Беруний шаҳарларини айлиноб ўтувчи “А-380” магистралини реконструкция қилиш, Қорақалпоғистон ва Хоразмда 516 километр маҳаллий йўлларни тўла таъмирлаш, Термиз — Денов ҳамда Сирдарё — Бахт оралиғидаги йўлларни цемент-бетон қопламали қилиб қуриш режалаштирилган. Бу лойиҳаларга Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки маблағлари йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари энг муҳим

масала йўлларни сифатли сақлаш эканини таъкидлади. Йўл бўйларида инфратузилмани ривожлантириб, аҳолига қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Қамчиқ довонида стационар назорат пости ишга туширилган. Бунинг юк ташиш оқими юқори бўлган бошқа йўлларда ҳам ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Шу ўринда айтиш керакки, бундан қарийб 20 йил олдин қабул қилинган “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонун ҳозирги замон талабларига жавоб бермаяпти.

Сўнгги йиллардаги ислохотлар, бугунги долзарб масалалар унда акс этмаган.

Шу боис мазкур қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилмоқда. Унда, жумладан, “автомобиль йўлларини режалаштириш” механизмининг жорий этилиб, йўл инфратузилмасини аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бо-

раётган эҳтиёжларига мос равишда ривожлантириш назарда тутилмоқда. Йўлларни лойиҳалаштиришда аҳоли фикри ва атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пиёдалар учун тўсқисиз муҳитни яратиш бўйича қатъий талаблар ўрнатилмоқда. Коммуникация тармоғини қуришда йўлнинг аввалги ҳолатини тиклаш харажатларини қоплаш шарти киритилмоқда.

Пуллик йўлларнинг ҳуқуқий асослари, ажратилган ва йўл бўйи минтақаларида сервис биноларини жойлаштиришга оид талаблар белгиланмоқда. Йўлларда катта ҳажмли ва оғир вазли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тартибга солинмоқда.

Тақдиротда мутасаддилар муқобил йўллар қуриш бўйича хусусий шериклик лойиҳалари юзасидан ҳам ҳисобот берди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш Торағаси ўринбосари Нурланбек Азигалиев билан учрашди.

Мулоқот

Унда сўнгги йилларда ўзбек — қирғиз муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, мамлакатларимиз раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва олий даражадаги музокаралар, конструк-

тив ва очиқ мулоқот, шерикликни чуқурлаштиришга бўлган самимий интилиш икки томонлама муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустақкам замин яратгани алоҳида қайд этилди.

Мулоқотда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, жумладан, парламентлараро ҳамкорликни

ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бориши ортидан ўзбек — қирғиз парламентлараро муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, Н. Азигалиев Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсатни, айниқса, қўшнилар билан муносабатни

яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаларини юқори баҳолади.

Шунингдек, у кунини кеча Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис ва Жогорку Кенеш ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Парламентлараро комиссиянинг бешинчи мажлиси муваффақиятли ўтгани, ушбу учрашув парламентлараро алоқаларни янада мустақкамлашга ижобий таъсир кўрсатишини билдирди.

Сўхбат давомида икки томонлама алоқаларни мустақкамлашда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, бу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш, халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашишни ривожлантириш ҳар томонлама фойдали эканлиги қайд этилди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ДўСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Олий Мажлис ва Жогорку Кенеш ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш Торағаси ўринбосари Нурланбек Азигалиев бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Унда парламентлараро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Бундаги форматдаги учрашувлар икки дўст давлат ўртасидаги барқарор сиёсий мулоқотнинг энг муҳим жиҳатларидан бири экани таъкидланди.

Томонлар олий даражадаги ўзаро ташрифлар ҳамда халқаро парламент форумлари доирасида кенгайиб бораётган икки томонлама алоқаларнинг изчил суруятини мамнуният билан қайд этди.

Парламентлараро комиссия йиғилишларини ҳудудларда ўтказишнинг ижобий амалиётига алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараён ҳудудлараро алоқаларни мустақкамлашга ёрдам бериб, жойлардаги ўзига хосликларни ҳисобга олиш имконини беради. Комиссия парламент аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот учун са-

марали майдон бўлиши ҳамда икки томонлама кун тартибининг аниқ ташаббуслар билан бойлштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мулоқот чоғида Парламентлараро комиссия фаолияти доирасида Самарқандда ўтказилган биринчи Ўзбекистон — Қирғизистон туризм форуми икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришда навбатдаги қадам экани, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасида туризм ва маданий алмашинув соҳасида муҳим воқелик бўлгани қайд этилди.

Учрашув якунида томонлар парламент тузилмалари доирасида ҳамкорликни кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва минтақанинг барқарор ривожланишини мустақкамлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан ўзаро манфаатдор эканликларини яна бир бор тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

ҚИЗҒИН БАҲС ВА ЖИДДИЙ МУҲОКАМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеликлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Жумладан, ўтган ҳафта мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни “Ватан равнақи, тинчлиги ва Ҳимоя” йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайдиган шиори остида нишонлангани, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари гоёси асосида Ғалаба боғи ҳудудидан яна бир тарихий ёдгорлик — “Миллат фидойилари” мажмуаси барпо этилгани, ушбу ёдгорлик мустақиллик йилларида Ватанимиз Ҳимояси йўли-

да ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасига бағишлангани гоёт муҳим аҳамиятга эга экани айтиб ўтилди.

Шунингдек, Спикер 7 май куни Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисослаштирилган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилганига алоҳида ургу берди.



ОИЛАВИЙ БАХТ — ЭНГ УЛУҒ САОДАТ

Мамлакатимизда оила институтини ҳар томонлама мустақкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилаётган. Бу борада энг қуий бўгин — маҳалла ва хонадонга кириб борадиган вертикал тизим яратилди. “Ибратли оила” кўкрак нишони таъсис этилгани ҳам ҳар бир оила давлат Ҳимоясида эканини амалда исботламоқда.

Рағбат

15 май — Халқаро оила куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида “Ибратли оила” кўкрак нишонини ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирга давлат ва жамоат арбоблари, турли ташкилотлар масъуллари, сенаторлар, депутатлар, олимлар, ижодкор ва санъаткорлар, шунингдек, дунё аёллар ҳаракатида ўз макеига эга бўлган, Ўзбекистоннинг оила ва хотин-қизлар тизими ривожига муносиб ҳисса қўшган фаоллар қатнашди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Оила ва хотин қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова тадбирини очар экан “Ибратли оила” кўкрак нишони билан ҳар йили 208 та оила тақдирланган бўлса, бу йил давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2 мингта оила ушбу эътирофга муносиб кўрилганини таъкидлади.

Ҳудудлардан 14 та, вазирлик ва идоралардан 46 та оилага ушбу нуфузли кўкрак нишони топширилди. Низомга мувофиқ кўкрак нишони, қоида тариқасида, оила бекаси бўлган аёл киши номига расмийлаштириб берилиши ҳам оила ва жамиятда аёл зотининг нуфузи ошишига хизмат

қилади. Кўкрак нишони билан тақдирланган ҳар бир оила хонадонлари ва уй-жойларининг кириш қисмига фохрли белги ўрнатилиши ўзбек оиласининг барқарорлигини, илм-маърифатга, меҳнат ва юксак ахлоққа бўлган садоқатини намоён этувчи яққол тимсолдир.

Тадбирнинг тантанали маданий қисми Қасаба уюшмалари саройида бўлиб ўтди. Биз фарзандларини ҳалол, ватанпарвар ва ўқимишли қилиб тарбиялаётган, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, ҳаётий тажрибаларини оммалаштиришга муносиб топилган оила-лар вақиларини сўхбатга тортиди.

Шоҳида ИСМОИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Ибратли оила» кўкрак нишони соҳибаси:

— “Ибратли оила” кўкрак нишони фақат муқофот эмас, бу — жамият эътирофи, элнинг дўси, авлодлар учун ўрнак бўладиган мерос. Биз ҳам ўз меҳнати, қадриятлари ва тарбияси билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган оилалар қаторига қўшилганимиздан хурсандимиз. Маҳмуд ака билан турмуш курганимизга қирқ йил бўлибди. Уч қизинг ота-онаси, тўрт набиранинг бобоси ва бувисимиз.



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъуллари, экспертлар, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Ёшлар парламент аъзолари иштирок этди. Таъкидланганидек, 2025 йилнинг биринчи чорагида камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларига 3 841 хотин-қиз иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг 1 915 нафари ишга жойлаштирилган, 1265 нафари касбга ўқитишга юборилган ва 15 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Ёки вилоят бўйича ўтказилган 44 та бўш иш ўрни ярмаркасига 656 хотин-қиз иш сўраб мурожаат этган бўлса, шулардан 143 нафарининг бандлиги таъминланган, 191 нафари касбга ўқитишга юборилган ва 249 нафарига маслаҳатлар берилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида тижорат банклари томонидан 203,3 минг хотин-қизга 3 трлн. 128 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилган. Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган эҳтиёжманд оилалардан бўлган 139 нафар талаба қизга 1 млрд. 150 млн. сўм шартнома тўловлари Давлат бюджетидан қоллаб берилган. Бундан ташқари, вилоят бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож 90 нафар хотин-қиз уй билан таъминланган.

Ўрганишлар давомида вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳамда ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Хусусан, бандлиги таъминланганлиги қайд этилган 1 915 хотин-қиздан 740 нафари (38,6 фоизи) солиқ органлари маълумотлари базасида тасдиғини топмаган. Шундан 117 нафари ижтимоий дафтарларга кирилтилган хотин-қизларни ташкил этади. 2024/2025 ўқув йилида вилоятдаги олий таълим муассасаларини битирган 1 809 хотин-қиздан 781 нафарининг бандлиги таъминланмаган.

Вилоят бўйича квотадан фойдаланиш даражаси 24,2 фоиз бўлсада, Янгйер шаҳрида бу кўрсаткич атиги 2 фоизда қолдиб кетгани ачинарли. Ногиронлиги бўлган шахслар учун 283 та иш ўрни банд қилинган бўлиб, Боёвут, Гулистон туманлари ва Янгйер шаҳрида ушбу иш ўринларидан фойдаланилмаган.

Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан ўқитилган аёлларнинг кейинчалик бандлигини таъминлаш бўйича мониторинг олиб борилмаган.

Шунингдек, хотин-қизларни касб-ҳунар, тадбиркорлик ва томорқа ҳўжалигини юритишга ўқитиш жараёнини ташкил этиш тартибига асосан ўқув дастурларининг соати ўргатиладиган соҳанинг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Бироқ 30 дан зиёд ўқув йўналишларининг барчаси бир хил 36 соат ҳажмида олиб борилмоқда.

Мажлис давомида юқоридagi камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўмита қарори қабул қилинди.

АҲОЛИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ

Ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш натижаларига бағишланган яна бир муҳокама Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, сўнгги етти йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63,9 фоиздан 87,7 фоизга етказилгани натижасида 453 мингдан ортиқ аҳолининг сув таъминоти яхшилانган.

Биргина ўтган йилда 37 млрд. сўм ҳисобига 9 та сув иншооти қурилиб, 62 км. ичимлик суви тармоқлари тортилган. Бунинг натижасида 12 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланиб, 8 минг аҳолига илк бор ичимлик суви етказиб берилган.

Бундан ташқари, жорий йилда Тиклишни ва тараққиёт жамғармасининг 118 млрд. сўм маблағлари ҳисобидан 66 км. ичимлик, 22 км. оқова сув тармоқлари ва 87 та сув иншооти қурилиб, 343 та сув иншоотига зарарсизлантириш ускуналари ўрнатилиши белгиланган.

Мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида депутатлик назорати ўрнатилиб, ҳар бир қурилиш объектига туман (шаҳар), вилоят Кенгаши депутатлари манзилли бириктирилган.

Муҳокама жараёнида сенатор ва депутатлар томонидан вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув хизматиини кўрсатишда ўз ечимини қутиб турган масалаларга, шунингдек, йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилди. Хусусан, мавжуд сув иншоотларининг 11 фоизи ҳамда ичимлик суви тармоқларининг қарийб 17 фоизи таъмирталаб экани қайд этилди. Боёвут, Ховос, Сайхунобод ва Оқолтин туманларида ҳамда Гулистон шаҳрида сув иншоотлари ва сув узатиш тармоқларининг 30 фоиздан зиёди ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида қурилган.

Бундан ташқари, 292 км. оқова сув тармоқларидан қарийб 45 км. (15 фоиз) қисми таъмирталаб ҳолатда бўлиб, бу асосан, Оқолтин тумани, Янгйер, Ширин ҳамда Гулистон шаҳарларига тўғри келади.

Ачинарлиси, вилоятнинг Мирзаобод туманидаги Бахористон ва Йўлдошобод, Ховос туманидаги Шарқобод, Сардоба туманидаги Зомин, Тўрт том, Гулистон туманидаги Зарбдор, Сайхунобод туманидаги Янгйобод маҳалалари ханузгача ичимлик суви билан таъминланмаган.

Мажлисида сўзга чиққан сенатор ва депутатлар вилоятда ичимлик суви ҳамда оқова сув тизимидан самарали фойдаланиш, аҳолини сув билан таъминлаш даражасини яхшилаш юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди. Бу масалалар муҳокама этилган мавзу юзасидан қабул қилинган қўшма қарорда ўз аксини топди.

«Халқ сўзи».

ҚИЗҒИН БАҲС ВА ЖИДДИЙ МУҲОКАМАЛАР

Тизимни тўлиқ рақамлаштириш, соҳанинг бирламчи бўғинини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларининг билими ва даволаш сифатини ошириш бўйича билдирилган ташаббуслар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш масаласи парламент аъзолари, кўмиталар, сиёсий партиялар фракцияларининг доимий эътиборида бўлиши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, тиббиёт соҳасига доир қонунчиликни бугунги кун талаблари асосида янада тақомиллаштириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга устувор аҳамият қаратишлари кераклиги ургуланди.

Мажлисида, шунингдек, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибларини содда-лаштириш, парламентдаги мухолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтириш, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ахлит тизимини шакллантиришга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Турли қарашлар ва фикрлар хилмахиллиги таъминланади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги мухолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди.

У билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилганига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳаси, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир нафар кўмита раиси ва икки нафар кўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда “Ҳукумат соати” доирасида ҳамда парламент сўровини юбориш тўғрисида қамида битта масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар беришини назарда тутган ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилаяпти.

Депутатлар ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниш парламентда турли қарашлар, фикрлар хилмахиллигини кучайтириб, унинг гошлар генераторига айланишида муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



ЎзХДП фракцияси ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилди

“Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилиш тўғрисидаги баёноти ҳақида”ги масала атрофида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ЎзХДП сўл қанот партия сифатида фаолияти давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, ижтимоий тафовутларни камайитириш, муҳтожларга ёрдам бериш, аҳолини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича чоралар қўришда фаол қатнашиб келмоқда.

Қонунчилик палатаси фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, унинг ишини кузатиш ва ҳолис баҳолаш ҳамда электорат фикрини инobatта олган ҳолда партия ўтган даврдаги фаолияти натижалари, сайловолди платформаси ва ҳукумат дастури йўналишлари таҳлили асосида ўз сиёсий позициясини шакллантирди.

Шу боис партия электорати овозини парламент ва ҳукуматга етказиш, уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, мамлакатда қучли ижтимоий сиёсат юритишнинг давом эттириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ўзини парламентдаги мухолифат фракцияси деб эълон қилди.

ЎзХДП фракцияси ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий бирдамлик тамойилларини юзага чиқариш орқали “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини амалга оширишда сайловчилар манфаатларини биринчи ўринга қўйиши ва мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатни бундан буюн ҳам сафарбар қилишда давом этади.

Мажлисида ЎзХДП фракциясининг ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилиш тўғрисидаги баёноти ҳақидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Мунозараларда қандай саволлар қўтарилди?

Депутатлар интеллектуал мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни қатъийлаштириш ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш талабларидан келиб чиқиб амалдаги 4 та кодексга, яъни Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Фуқаролик кодексларига музалифлик ҳуқуқи ҳамда тўрдош ҳуқуқларни, шунингдек, санoат мулки объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришни назарда тутувчи тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳа билан Жиноят кодексининг 149-моддасига селекция ютуғи ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан музалифликни ўзлаштириб олиш учун жавобгарлик ўрнатилаётгани сабабли уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида 149-моддасига тегишли ўзгартiriш назарда тутиляпти.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддасига қўшимча киритилипти. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиси, хизмат қўрсатиш белгиси, география қўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номига



нисбатан оғохлантирувчи тамгадан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** лойиҳа билан Жиноят кодексининг 149-моддасига киритилаётган қўшимчага эътибор қаратди. Музалифнинг шахсий номулукий ҳуқуқлари билан боғлиқ модда янги иккинчи қисм билан тўлдирилаётгани, яъни оғирлаштирувчи квалификация белгилари, хусусан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда лойиҳада белгиланган ҳаракатлар содир этилганда оғирроқ жазо назарда тутилаётгани айтилди. Депутатнинг таъкидлашича, унинг санкциясида бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бошқа асосий жазо турларини белгилаш тақлиф этилган. Яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш мажбурий тайинланиши белгиланмоқда. Лекин киритилаётган бошқа моддаларда бундай ёндашув йўқ, яъни қўшимча жазода мажбурий тайинлаш керак деган талаб қўйилмаган. Унинг фикрича, амалдаги тахрирда ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо турларидан бири сифатида турибди ва судлар томонидан жазо тайинлашда жиноят содир этган қимсаннинг шахси, фаолият тури, хизмат туридан келиб чиқиб жазо тайинлаш имконияти бор эди. Киритилаётган иккинчи қисмдаги жиноятларнинг субъекти ҳаммаси ҳам мансабдор, хизматчи ёки бирон-бир фаолият тури билан шуғулланмаслиги мумкин. Халқ вакили бундай ҳолатларда ушбу норма судлар томонидан жазонини қўллашда муаммо юзага келишига сабаб бўлмайдими деган саволни ўртага ташлади.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Умид Якубхўжаев Жиноят кодексининг 149-моддасига киритилаётган ўзгартiriш патентланган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга қаратилганини, унда рухсатсиз фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланаётгани, лекин ушбу нормада патентдан рухсатсиз фойдаланиш тор доирада бўлиб қолаётгани ва уни кучайтириш ло-

зимлигини таъкидлаб, бу бўйича ўз тақлифини билдирди.

Муҳокама чоғида **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартiriш тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, 290-модда янги иккинчи қисм билан, хусусан, адлия органлари томонидан ашёларни кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлиши ашё ва ҳужжатлар хатлангани деган норма билан тўлдирилаётгани ва бу мазкур кодексда қўрсатилаётгани қанчалик ўринли экани билан қизикди.

Қонун ташаббускорлари мунозараларда қўтарилган саволларга атрофлича тушунтириш бериб ўтди. **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Жавлон Абдуллаев** “хатлов институти” қонунчилика янги кириб келаётганини қайд этиб, айрим нормаларга тахририй тузатиш киритиш шарти билан қонун лойиҳасини овозга қўйиш тақлифини билдирди.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Бож ставкалари ЖСТ қоидаларига мувофиқлаштирилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартiriшлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда иқтисодий салоҳиятни тўлақонли рўёбга чиқариш, унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини янада чуқурлаштириш, эркин бозор тамойилларини амалда татбиқ этишни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини жаддаллаштириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳокамада депутатлар савдода адолатли қоидаларни ўрнатиш ва бунда барча аъзоларга тенг шароит яратиш Жаҳон савдо ташкилотининг энг муҳим принципларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда четдан олиб келинаётган товарлар учун давлатига қараб турлича ставкаларнинг қўлланилиши тенг рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганлигига ўз муносабатларини билдирди.

Депутатлар томонидан ушбу йўналишдаги тартибларни ЖСТнинг қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш зарурияти юзага келаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қўлайлик бериш назарда тутилмаган мамлакатларда (ҳозирда 57 давлат энг кўп қўлайлик режимига эга) ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нисбатан амалдаги импорт божлари ставкаларини 2 қарра ошириб қўллаш амалиёти бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Халқ вакиллари мазкур ҳужжат иқтисодиётга ҳоржий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиши, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан ижобий фикрлар билдирди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий қонунчилик нормаларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштириш, импорт ва экспорт географияси ошишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси

Мажлисида интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини содда-лаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Мамлакатимизда аҳолининг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳабардорлик даражасини кучайтириш, яратилган интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза этиш жараёнини рақамлаштириш орқали ортиқча талабларни бекор қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси билан ҳам санoат мулки объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни бекор қилиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган талабнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текши-

риш муддатини 10 кун этиб белгилаш назарда тутиляпти.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи муҳофаза ҳужжатларини эса ягона ҚР-код (матрикс штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда автоматик тарзда бериш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномада ифодаланган белгини экспертizadaн ўтказиш муддатини етти ойдан бир ойга қисқартириш, интеллектуал мулк объектининг рўйхатдан ўтказишда давлат божини тўлаш учун белгиланган уч ойлик муддат ўтказиб юборилганида, уни қўшимча тўлов эвазига (патент божининг 50 фоизи) олти ойгача узайтириш назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар томонидан берилган тақлифлар янги гуруҳ йиғилишларида чуқур таҳлил қилиниб, улар асосида ҳужжат матни тақомилига етказилгани алоҳида қайд этилди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ва инновациялар жихатдан юксалишига самарали таъсир кўрсатувчи интеллектуал мулк тизимини шакллантириш ҳамда интеллектуал фаолият натижалари эгаларига ўз интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳасига 46 нафар депутат қарши овоз берди

Мажлисида мева-сабзавот етиштирувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, интенсив усулда бог ва тоқзорлар барпо қилиш, иссиқхона ҳўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини кучайтириш ҳамда юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги — мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона ҳўжаликлари ҳамда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этишга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Масъул кўмита томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида ундаги нормалар депутатлар берган тақлифлар асосида “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилди.

Қонун лойиҳаси қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Дилмурод Артиқов** “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига киритилаётган ўзгартiriш, яъни маъмурий судларга шикоят қилиш билан боғлиқ масалага эътибор қаратди. Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ўз манфаатидан келиб чиқиб маъмурий судга шикоят берса, давлат божидан озод этилиши назарда тутилаётганини, бу эса маъмурий суд иш юритуви принципига қанчалик тўғри келишига изох сўради.

Қонун лойиҳасига масъул депутатлар, қонун ташаббускорлари мазкур ҳужжат юзасидан қўтарилган шу ва бошқа саволларга атрофлича жавоб берди ва ушбу масала билан боғлиқ таҳлиллар, рақамлар келтириб ўтилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш зарурати борлигини ва уни кўмитага қайтартиш тақлифини ҳам билдирди.

ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳайтов мева-сабзавот етиштирувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси кунча бўлиб ўтган сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинганини таъкидлаб, кўмита тақлифи овозга қўйилишини сўради.

Мажлисида қонун лойиҳасига 46 нафар депутат қарши овоз берди, 13 нафар депутат бетараф бўлди. Натижада мазкур ҳужжат жуда ҳам овоз устунлиги билан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МАКТАBGACHA VA МАКТАВ ТА’LIMI HUDUDIY BOSHQARUV ORGANLARI, ТА’LIM MUASSASALARI, KORXONA VA TASHKIOTLAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

2024/2025-o‘quv yili bitiruvchilarini ta’lim muassasalari, korxona va tashkilotlarga ishga tavsiya etish va taqsimlash jarayoni boshlanganini ma’lum qiladi.

Universitetni bakalvriat ta’lim yo’nalishlari hamda magistratura mutaxassisliklari bo’yicha tamomlayotgan yosh mutaxassislar hozirgi kunda pedagoglik kasbiga va o’z ta’lim yo’nalishi bo’yicha qo’yilayotgan kasbiy talablarga to’liq javob beruvchi, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalana oladigan mehnat bozori talabiga mos keluvchi yuqori malakali mutaxassis kadrlardir. Xususan, 2024/2025-o‘quv yilida universitetni tamomlayotgan bitiruvchilarga turli korxona va tashkilotlardan buyurtmalar kelib tushmoqda. Bitiruvchi kadrlarga ehtiyoji mavjud davlat (nodavlat) ta’lim muassasalari, korxona va tashkilotlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari rahbarlari talabnoma va so’rov xati orqali Buxoro davlat universiteti rahbariyatiga murojaat qilishlari mumkin. Talabnomada buyurtmachining rekvizitlari (pochta manzili, telefon raqami) hamda taklif etilayotgan lavozim to’g’risidagi ma’lumotlar to’liq ko’rsatilishi talab qilinadi. Buyurtmachilar (ish beruvchilar) <https://bkm-buxdu.uz/> havolasi orqali mavjud bo’sh ish o’rinlari e’lonlarini joylashtirish imkoniyatiga ega.

Ta'lim yo'nalishlari (bakalavriat)			Jami	Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha															Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha												
№	Shifri	Nomi		To'liqkent viloyati	Qorapalpog'iston Respublikasi	To'liqkent shahri	Navoiy viloyati	Samarqand viloyati	Xorazm viloyati	Surxondaryo viloyati	Qashqadaryo viloyati	Andijon viloyati	Farg'ona viloyati	Namangan viloyati	Jizzax viloyati	Sirdaryo viloyati	Buxoro shahri	Buxoro tumani	Vobkent tumani	G'ijduvon tumani	Jondor tumani	Kogon tumani	Kogon shahri	Qorako'l tumani	Qorovulbozor tumani	Olot tumani	Peishku tumani	Ronitan tumani	Shofirkon tumani		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30		
JAMI			2823	18	38	12	141	127	116	61	134	42	55	43	22	17	354	234	168	223	209	100	58	134	32	75	115	133	162		
shundan, kunduzgi ta'lim shaklida			2582	11	29	8	133	96	97	45	117	40	48	39	18	13	323	217	157	215	202	94	58	131	31	70	104	131	155		
1	60412400	Agrobiznes va investitsion faoliyat	43		1	1		4	1	3	6		6	1	3	1	3	2		1	3			2		2	2	1			
2	60810700	Agrokimyo va agrotuproqshunoslik	36		1												4	6		3	6	1		4			2	2	5		
3	60540200	Amaliy matematika	57				2			1							4	2	2	5	12	1	4	11	1	1	1	3	7		
4	60210800	Amaliy san'at (badiiy kulolchilik)	21				1	2									3	3	1	2	5								4		
5	60220400	Arxeologiya	26		1		2	2		1	7		1	1		2		1		1	2			1	1	1			2		
6	60610200	Axborot tizimlari va texnologiyalari (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	48		2		1	1	1	1	2	1	1	2			3	2	5	1	8		3	5	2	2	2		3		
7	60320200	Axborot xizmati va jamoatchilik bilan aloqalar	24	1	1		1				2	1	1	1	3			1	2		2	1			1		4	1	1		
8	60510100	Biologiya (turlari bo'yicha)	114		1		6	4	1	2	4	2	2	1	1		17	12	5	6	7	5	2	11	2	6	2	4	11		
9	60710200	Biotexnologiya (tarmoqlar bo'yicha)	32				5	1			2			1			2	2	2	1	1	1	3	1	1	3	1	3	2		
10	60410100	Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha)	44		1		1	1			3	1				1	7	5	6	1	3	1		2	1	2	4	3			
11	60211500	Cholg'u ijrochiligi (xalq cholg'ulari)	48	1	1		2		3								4	4	5	7	5	3	4	2	1	3	1	2			
12	60710400	Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	48				4	2	3		3						2	3	4	2	5	4	4		4	4	3	1			
13	60230103	Filologiya va tillarni o'qitish (fransuz tili)	56				2	1	3					1			3		3	33				5			2	2	1		
14	60230101	Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz tili)	107			1	4			2							31	15	8	8	9	5	3	7	2	1	3	6	2		
15	60230119	Filologiya va tillarni o'qitish (nemis tili)	52	2			3	3	7		5	2		2	1		5	3	6	5	2		1			1	3	1			
16	60230104	Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili)	150		1	1	9	2	4	3	6	1	4	1			12	11	10	8	14	7	3	13	2	3	4	17	14		
17	60230107	Filologiya va tillarni o'qitish (rus tili)	139	1		4	3	2	5	2	4	2	4	6	1		28	15	8	11	10	1	7	2	3	2	2	8	8		
18	60530900	Fizika	106		1		1	8	4	2	8	2	2				7	8	4	11	7	6		14		6	6	4	5		
19	60530400	Geografiya	32				1	1			4		1					3	3	6	2		2	1			1	5	2		
20	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (fransuz tili)	16		1		1		6								1	1		4				1	1						
21	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (ingliz tili)	33		1		2										10	7	1		2	4		1	3			1	1		
22	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (nemis tili)	12				3		2		1					1	1			3									1		
23	60920100	Ijtimoiy ish (oil va bolalar bilan ishlash)	42	2			4	3	1		1	1	1	2	1	1	2	3	5		3	1		3			2	3	4		
24	60310100	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	59		2		3		1	1	2	1				1	18	8	3	3	6	3		1		2	2	1	1		
25	60812000	Issiqxona xo'jaligini tashkil etish va yuritish	15		1		2			1				1			2			1	1				1	1	1	1	2		
26	60320100	Jurnalistika (bosma OAV jurnalistikasi)	32	1	1			2	1	1	3	3	1	1	1	2		1	1	1	2	1		1				5	3		
27	60530100	Kimyo (turlari bo'yicha)	123	1	1		10	14	4	3	10	1	2	1			7	6	2	20	9	11	3	2	2	3	1	1	9		
28	60610100	Kompyuter ilmlari va dasturlash texnologiyalari (yo'nalishlar bo'yicha)	53		1		3	2	1		1		1				7	3	8	3	4	1	2	2	1	2	4	1	6		
29	60411700	Logistika (yo'nalishlar bo'yicha)	37	1			1	4	5	3	1	2				1	6	2	2	2			1	1	1		1		2		
30	60212000	Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish	50				12	1	2	1	3		1				6	5	1	3	1	1	3				1	6	3		
31	60412500	Marketing (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	34	1	1	1	1	3			3						14	3	2		1			1		1	1	1			
32	60540100	Matematika	125				7	2	1	1	3	1					19	16	10	13	9	6		2			9	9	6	10	
33	61010100	Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish	77				4	2	4		2	2	2	3			32	7	5	1	3		3	1	1			3	2		
34	60811800	Mevachilik va uzumchilik	13				1	2	2	1		1		1				1	1	1				1	1				1		
35	60531000	Mexanika va matematik modellash	23				2	3	3	2	2	1				1	2	1	1	1		1		1		2					
36	5111600	Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi	1															1													
37	60811000	O'simliklarni himoya qilish (ekin turlari bo'yicha)	54		1		4	3	6	1	3	1		1		1	2	3	1	5	5	2	1	6	1	2	1	1	4		
38	60310900	Psixologiya (amaliy psixologiya)	78				5	5		1	1	2	1	1	1		7	6	10	4	10	6	2	1	3	4	5	1	2		
39	60310900	Psixologiya (oil psixologiyasi)	28				4		3	2	1						1	3		5	3	2		1	1	1			1		
40	60310900	Psixologiya (sport)	24				2	5	3		1	2	1	1			2	1			2			2					2		
41	60811300	Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulotlar turlari bo'yicha)	49		1				5		2	3	1	1		1	2	5	4	2	7		2	2		4	1	2	4		
42	60210500	Rangtasvir (dastgohli)	23				2										4	2	3	2	1		2	2					1	4	
43	60811900	Sabzavotchilik, poltchilik va kartoshkachilik	16						2					2			3	3	1	1	1		1	1					1		
44	60410800	Statistika (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	24		1			1	2		4	2					2	2			1	1		2				1	5		
45	60220200	Tarix (Islom tarixi va manbashunosligi)	32				1	3		1	3	2	4	3			1	2		1	2	1						5	2	1	
46	60220300	Tarix (mamlakatlar va yo'nalishlar bo'yicha)	143					4		2	6		1	3			5														

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида бўлганида ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича ўтказган йиғилиш нафақат андижонликлар, балки мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Вилоят аҳли билан олиб борилган юзма-юз самимий мулоқот замирида инсон манфаатлари ва унинг фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадлар намоён бўлди.

Муносабат



Хеч нарса ўз-ўзидан бўлмайти. Раҳбари юртпарвар халқнинг дас-турхони тўкин, мамлакати обод бўлади. Халқни бирлаштириш, ўзига, эртанги ёруғ кунларга ишон-тириш эса сўз ва иш билригини талаб этади. Янги Ўзбекистоннинг зафарли одимлари ҳар бир маҳал-ла, ҳар бир хонадонга кириб ул-гургани — ислохотларнинг нақадар кенг қамровли ва самарали экани-га ишоради. Албатта, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлам-ли ислохотлардан андижонликлар ҳам баҳраманд бўлаётир.

Андижон бугун барча соҳа ва тармоқларда жадал ривожлантипти. Вилоятнинг улкан салоҳияти ислохот-лар ижросига астойдил киришил-ганлигида ва одамларнинг кунда-лик ҳаётига ижобий ўзгаришлар тез суръатларда олиб кирилатган-да яққол намоён бўлмоқда.

Аёнки, Андижон мамлакатимиз-даги ҳудуди энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисоб-ланади. У республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил қилади. Шу-нинг учун ҳам Андижонда ернинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Президентимиз мутасаддиларга республикадаги бар-ча қир ва адирлардан самарали фойдаланиш таклифларини ишлаб чиқиш вазифасини топширди. Шубҳасиз, бунда Андижон тажри-баси ўзига хос намуна бўлади.

Аҳолини уй-жой билан таъмин-лаш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда Янги Андижон шаҳри курилиши бошлан-ган эди. Бу галли ташифда Президент лойиҳанинг илк нати-жалари билан танишди. Ушбу ша-ҳар Андижон туманидаги адирлик-да 4 минг гектар майдонда барпо

этилмоқда. Қурилиш саккиз бос-қичли бўлиб, кўп қаватли уйлар, замонавий мактаблар ҳамда мак-табгача тарбия муассасалари, кор-хоналар, ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

Эндиликда ҳудуддаги “Янги Ўзбекистон боғи”да ҳар йили рас-сомлар фестивали ўтказиладиған бўлди. Президентимиз янги барпо этилган шаҳарда ўтказилган тан-танали маросимдаги нутқида янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади — ин-сон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, шу асосда одамларни ҳаёт-дан рози қилиш эканлигини таъ-кидлади. Айниқса, ўзининг бетак-рор илмий ва ижодий мероси бил-лан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждо-димиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлашти-риш мақсадида Янги Андижон шаҳ-рига Бобур шаҳри, деб ном бериш-ни таклиф қилгани барчамизни руҳ-лантириб, чексиз гурурлантирди.

Энди Бобур шаҳри энг гўзал, замонавий масканга айланиши, бу шаҳардан ҳаққий бобурийлар ети-шиб чиқиши учун бобомиз номи билан аталадиган ихтисослашти-рилган боғча ва мактаб, универ-ситет, музей, кутубхона ва IT парк-дан иборат йирик таълим класте-ри барпо этилиши, олийгоҳ тарки-бида энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт комплекси қури-

лиши белгиландики, бу юртдош-ларимизнинг қалбидаги гап бўлди. Замонавий архитектура аломатла-рини, кўп қаватли, маҳобатли би-ноларни, Бобур Мирзонинг муҳта-шам ҳайкалини ўзида мужассам қиладиган, миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона бағрикенг-ликини акс эттирадиган Бобур шаҳри юртимизнинг энг обод, халқимизнинг семимли гўшалари-дан бирига айланишига ишончи-миз қомил.

Республикада илк бор адирлик-да кўп қаватли уйлар қуришни таж-риба қилган андижонликлар бугун бу борада хитойлик, туркиялик ҳамкорлардан ҳам ишламапти. Янги тажрибага киришилган ишсиз ёшлар юртни обод этиш, тарихий бунёдкорлик ишларида қатнашиш-дай шарафли юмушга сафарбар қилинди. Шу тариқа ёшлар юрт

“Андижонда ернинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Президентимиз мутасаддиларга республикадаги барча қир ва адирлардан самарали фойдаланиш таклифларини ишлаб чиқиш вазифасини топширди. Шубҳасиз, бунда Андижон тажрибаси ўзига хос намуна бўлади.”

бунёдкори бўлиб, бандлиги таъ-минланди. Бобур шаҳрида жорий йил яна мингдан зиёд хонадонлар учун 40 та янги уй қуриб биткази-лади. Режада уйлар сони 2 минг-тага етиши керак. Бу тураржойга муҳтож бўлган қанча-қанча оила-ларнинг орузсини рўёбга чиқара-ди. Қувонарлики, бу тажриба кел-гусида янада оммалашади.

Президентимиз Булоқбоси ту-манида вилот фаоллари иштиро-кида ўтказилган йиғилишда: “Агар барчамиз бир бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб иш олиб борсак, ютуклари-миз янада кўпаяди, биз заёт этол-майдиган марранинг ўзи бўлмай-ди, Андижон янада обод бўлади”, дея таъкидлади. Ўзтироф этиш ке-ракки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида туб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртни обод қилиш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалти-ришга қаратилган ислохотлар, уд-

даланаётган бунёдкорлик ишлари самараси ўларок, Ватанимиз иқти-содиёти, халқимизнинг турмуш фа-ровонлиги янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

Биргина аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш масаласини олайлик. Мамлаката-мизда гидроэнергетика соҳаси барқарор ривожланиш ва эколо-гик тозаликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, кичик ва микроГЭСларни қуриш орқали та-биий ресурслардан самарали фой-даланиш, аҳолига узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш ҳамда иқтисодий харажатларни камайти-риш мумкин.

Шу маънода, Президентимиз вилотда сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналлардан самарали фойдаланган ҳолда 75 мегаватт қувватга эга кичик ва микроГЭС-

лар қуриш имконияти мавжудли-гига эътибор қаратди. Бундай лойиҳаларни амалга оширадиган тадбиркорларга 3 йиллик имтиёз-ли давр билан, 7 йилга 12 фоиз ставкада кредит ажратилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳаларнинг ижроси халқнинг розилигини олишдек хайрли амалларнинг да-вом этишига хизмат қилади.

Ташриф доирасидаги яна бир муҳим янгилик — бу Андижон халқаро аэропортининг ишга ту-ширилганлигидир. Аэропорт 1978 йилда қурилган бўлиб, ҳозир-ги талабларга мос келмай қолган эди. Учиш-қўниш йўлагининг юк

Хуллас, бугун Андижон қиёфаси тубдан ўзгарди: тор йўллар, пастак уйлар ўрнини кенг ва раvon йўллар, муҳташам ва кўркем иншоотлар эгаллади. Андижонликлар ҳаётида бўлаётган ижобий ўзга-ришлар, энг аввало, одамларнинг бугундан рози бўлиб яшаш ишти-ёқини, эртанги кунга бўлган умид ва ишончини оширмоқда.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Андижон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

МУБОРАК САФАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида диний-маърифий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш янги босқичга кўтарилди. 2016 йилда 5 минг 200 нафар ватандошимиз ҳаж амалларини бажарган бўлса, 2024 йилда 15 мингдан ортиқ мўмин-мусулмонлар ҳожилик шарафига муяссар бўлди.

«Ҳаж — 2025»

Бу йил ҳам 15 мингдан зиёд юрт-дошларимиз ҳаж ибодатини адо эти-шади. Мамлакатимизнинг 9 та ҳудудий аэропортидан зиёратчилар ҳар кун и тўғридан-тўғри Мадина шаҳрига ҳаж сафарига юборилади. Парвозлар “Uzbekistan Airways” АЖ билан бирга-ликда Саудия Арабистонининг “FlyNas” ва “FlyAdeal” авиакомпаниялари томо-нидан амалга оширилади.

Юртдошларимизга Мадина мунав-варарида ҳамда Макка мукаррамада барча шарт-шароитни яратиш мақса-дида Ўзбекистон Республикасининг Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси хо-димларидан иборат дастлабки ишчи гуруҳ фаол иш олиб борди.

Мадина шаҳрида муҳташам беш юл-дузли “Zam-zam Pullman” меҳмонхона-си, Макка мукаррамада “Margmaga hotel”, “Romance hotel”, “Al-Ayyam elite”, “Concrete hotel”, “AbroJ Dania”, “Paradise”, “Open hotel”, “Ayuey saha” каби саккизта меҳмонхона ҳожиларни юқори савияда қутиб олишга шай қилинган. Меҳмонхоналарда зиёратчи-лар учун намозхоналар, ошхоналар, тиббиёт пунктлари ҳамда бошқа зарур воситалар ҳозирланди.

13 май куни тонгда муборак ҳаж са-фарини ният қилган зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳи дилда қувонч, тилда шукроналик билан муқаддас замин сари йўлга чиқди.

Бўлғуси ҳожиларни қузатиш учун Дин ишлари бўйича қўмита раиси Соҳиб Тошбоев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нурид-дин Холиқназар, шунингдек, мутасад-ди ташкилотлар масъуллари ва омма-вий ахборот воситалари вакиллари Тошкент халқаро аэропортида жам бўлди.



Орзулари рўёбидан ҳис-ҳаяжонга тўлган “Ҳаж — 2025” мавсумининг илк зиёратчилари аэропортдан Саудия Ара-бистонига жўнаб кетди.

Шу куни Мадина шаҳрига эсон-омон етиб келган зиёратчилар “Ҳаж — 2025” ишчи гуруҳи ва мутасаддилар томони-дан тантанали кутиб олинди.

Юртдошларимизга муҳташам “Zam-zam Pullman” меҳмонхонасига кириш-лари биланқоқ зам-зам сувлари, хурмо, ширинликлар ва ҳадялар улашрилиб, из-зат-икром қўрсатилди. Ватандошлари-миз шодлик ва шукроналик туйғулари билан зиёрат ва ибодатларни адо этишга киришди.

Айниқса, меҳмонхонанинг Масжиди Набавийга жуда яқин масофада жой-лашганидан ҳожиларимиз беҳад мам-нун қилмоқда. Улар қуниқ барча ибо-датни ушбу муборак масжидда адо эт-моқда. Ўз дуоларида Яратгандан юр-тимизга тинчлик-осойишталик, халқи-мизга фаровонлик сўрашмоқда.

Эслайтиб ўтаимиз, зиёратчиларимиз 2025 йил 13 майдан 28 майга қадар ҳаж сафарига қузатилади.

«Халқ сўзи».

ОИЛАВИЙ БАХТ — ЭНГ УЛУҒ САОДАТ



Кўкрак нишони билан тақдирланганлар орасида эллик йил бирга умргузаронлик қилган-ларни кўриб, ҳавасимиз кел-ди. Зеро, оилада бир-бирини тушунган инсонлар бахтли бўлади. Ҳаёт фақат яхши кун-лардан иборат эмас. “Эр-хо-тин — қўшқанот” деб бежиз айтишмаган. Қачонки, оила қанотлари мустаҳкам бўлса, ўша хонадонда тинчлик ҳукм суради.

Касбим тақозоси билан кино ва театрларда ўзбек ке-линлари, оналари ва қайно-налари ролини ўйнадим. “Юл-дузли тунлар” асаридаги Хонзадабегим ёлғиз ўғилчаси билан Балхдан Қўндузга ке-лаётганда юрагини титратган хавф-хатарлар, огир синов-лардан юрагим қалқиди. Усмон Носирнинг онаси об-разини тасаввур қилиш учун кўплаб китобларни варақла-дим. Уни қайнонаси Нодира-бону эъзозлаб — “ипак кели-ним”, деб атаган. Холамбим илмий, маърифатли бўлган. У келин бўлиб тушган хонадон-да ҳудди фариштадек учиб юрган, товуши ҳеч қачон ба-ланд чиқмаган. Ҳеч вақт ҳеч кимга жahl қилмаган. Майин овозда сўзлаган, майин қадамлар ташлаган, юрганда елкаси узра қирқ ўрим сочла-ри майин тебраниб турган. Унинг қозон-ўчоғи ҳеч қачон қора қурум қўрмаган. Ховли-сидан райхон ифорлари кўшниларикигача таралиб турган. Бугун ҳам кино ва театр сахналарида деодоб, турмуш ўртоғини бир чақага олмайдиган, ўзбек аёли но-мига доғ туширадиганлар эмас, Холамбига ўхшаган бекалар кўпайишини истар-дим. Бахтли оилалар учун иб-рат бўладиган образлар яратишимиз керак.



Фахриддин ИНКОРОВ,
«Ибратли оила» кўкрак нишони соҳиби (Тошкент вилояти):

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида оила турибди. Чунки оила — жамиятнинг биринчи ва энг таъсирили тарбия маскани, инсон-нинг илк мактаби, халқнинг маъ-навий кучини шакллантирувчи му-қаддас даргоҳ. Инкоровлар оила-сини “Ибратли оила” кўкрак ни-шонини тасаввур қилиш учун кўплаб китобларни варақла-дим. Уни қайнонаси Нодира-бону эъзозлаб — “ипак кели-ним”, деб атаган. Холамбим илмий, маърифатли бўлган. У келин бўлиб тушган хонадон-да ҳудди фариштадек учиб юрган, товуши ҳеч қачон ба-ланд чиқмаган. Ҳеч вақт ҳеч кимга жahl қилмаган. Майин овозда сўзлаган, майин қадамлар ташлаган, юрганда елкаси узра қирқ ўрим сочла-ри майин тебраниб турган. Унинг қозон-ўчоғи ҳеч қачон қора қурум қўрмаган. Ховли-сидан райхон ифорлари кўшниларикигача таралиб турган. Бугун ҳам кино ва театр сахналарида деодоб, турмуш ўртоғини бир чақага олмайдиган, ўзбек аёли но-мига доғ туширадиганлар эмас, Холамбига ўхшаган бекалар кўпайишини истар-дим. Бахтли оилалар учун иб-рат бўладиган образлар яратишимиз керак.

Моҳира МАМУТОВА,
«Ибратли оила» кўкрак нишон соҳибаси (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Энг ёш оилалар сафида “Иб-ратли оила” кўкрак нишонига Бек-ниязовлар оиласи ҳам муносиб то-пиладиган хурсандимиз. Ота-она-мизнинг дуосини олиб, қайната-қайнонамизни рози қилиб шу да-ражага эришдик.

Кундалик ҳаётимизда “оила” де-ган сўзини кўп ишлатамиз, аммо бу ном нақадар муқаддас ва шараф-лигини бугунги кунда яна бир бор юракдан ҳис қилдик. Оила масаласига давлат даражасида эъти-бор берилаётгани, юртимизда кўплаб бахтли оилалар борлигини кўриб-билдик. Уларнинг ҳар бири ибрат, на-муна ва катта тажрибага эга.

кўтариш қобилияти пастлиги, за-монавий ёритиш тизимининг йўқлиги сабабли қатновларни қабул қилиш имкониятлари чеклан-ганди. Бугунги кунда реконструк-ция ишларининг биринчи бос-қичи битказилди. Узунлиги 3 минг 300 метр, кенглиги 60 метр бўлган янги учир-қўниш ва юриш йўлак-лари ҳамда самолётлар тўхташ жойи қурилди. Дренаж тизими ян-гиланиб, ер ости суви қочирилди. Шунингдек, бу ерда иккинчи юриш йўлаги қурилиши давом эттирилиб, “IKAO CAT-II” тоифасидаги радар, метеорология ва ёритиш ускуна-ларини ўрнатиш ишлари олиб бо-рилмоқда. Наттижада “Boeing”, “Airbus” русумидаги йирик са-молётларни ноқулай об-ҳаво ша-роити ва тунги вақтларда ҳам қабул қилиш мумкин бўлади. Бу кунлик парвозлар сонини 10 ба-рбаргача ошириш имконини беради.

Бугун Андижон вилоятининг бир пайтлар пахта ҳомашёси етишти-ришдан бошқа имконияти бўлма-ган туман ва шаҳарлари, чекка ҳудудларига саноат жадал кириб келаётир. Вилотдаги саноат зо-насида янги корхоналар ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларини қайта ишлаш ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш-га оид лойиҳаларнинг амалга оширилиши жорий йилда 5 млрд. 700 млн. долларлик 166 та инвес-тиция лойиҳасини ишга тушириш имконини беради. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади. 31 турдаги янги маҳсулот олиш йўлга қўйилиб, 1,5 млрд. доллар-лик экспорт имконияти ярати-лади. Энг муҳими, йил якунига қадар вилотда 305 минг нафар аҳоли даромадли иш билан таъминланади.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбекистон энергетика ҳафталиги

Пойтахтимиздаги “CAEx Uzbekistan” халқаро кўргазмалар марказида Ўзбекистон энергетика ҳафталиги — “UEW 2025” ўз ишини бошлади.



Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигидаги ушбу ҳафталикда 34 давлатдан 465 та компания ва бренд қатнашмоқда.

Тадбир доирасида 120 дан ортиқ спикерлар ҳамда 1 420 нафар делегат иштирокида саноатни ривожлантириш кун тартиби ва минтақавий муло-қотни белгилашда стратегик аҳамиятга эга бўлган қатор кўргазма ҳамда конференциялар ўтказила-ди. “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2025” кўргазмаси ҳамда анжумани, “Энергетика, энер-гия тежаш, атом энергетикаси ва муқобил энер-гия манбалари — Power Uzbekistan 2025” кўргаз-маси, 5-халқаро энергетика анжумани шулар си-расига қиради.

Авиакомпанияларга субсидия ажратилади

Мамлакатимизда 2021 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий авиақатновларни субсидиялаш йўлга қўйилган.



Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 майдаги “Минта-қавий авиаташувларни ва ички туризмни янада тако-миллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қарорига асосан, маҳаллий авиақатновларни амалга оширувчи барча резидент авиакомпанияларга субсидия ажратилади ва бу 2026 йил 1 январгача да-вом этади.

Қарорга кўра авиачипталар нархлари ҳамда авиақат-нов йўналишларини субсидиялаш миқдорини белгилаш бўйича махсус комиссия таркиби қайта тасдиқланди. Маҳаллий йўналишлардаги авиақатновларга “Uzbekistan Airways” АЖ учун белгиланган махсус тариқлар ва субсидия миқдорларини барча ре-зидент авиакомпанияларга ҳам татбиқ этишга рози-лик берилди.

Шу муносабат билан барча резидент авиакомпания-лар махсус комиссия томонидан белгиланган маҳаллий йўналишлар ва тариқлар доирасида авиачипта сотиш-ни йўлга қўяди ҳамда ҳар ой якуни бўйича 2021 йил 14 октябрдаги 188-сон буйруқ билан тасдиқланган жад-вал шаклида Транспорт вазирлигига субсидиялаш учун аризалар киритади.

Минитрактор — саноат намунаси

Минитрактор саноат намунаси сифатида SAP 2674-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди ва ҳуқуқий муҳофазага олинди.



Бу ҳақда Адлия вазир-лигининг расмий теле-грам саҳифасида маълум қилинди.

Унга кўра минитрак-торнинг асосий белгиларидан бири — унинг ўлчамлари ва гилдирак-ларининг ўзига ҳослиги ҳисобланади. Чунки ушбу хусусиятлар минитрак-торга барча турдаги қишлоқ ва уй хўжалиги ишларини бажаришда тўлиқ огир ваззли тракторнинг ўрнини босиш имконини беради.

Минитракторнинг дизайни — ташқи кўриниши одатий тракторларни ёдга солади, бироқ ўлчам жиҳатидан улар-дан анча кичик ва ихчам. Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадийий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига қиради.

«Халқ сўзи».

Наманган вилоятида 25 майдан старт оладиган 64-халқаро гуллар фестивалига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 237 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаста 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.20 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6